

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙИТҚУЛОВ ИЛҲОМ АБДУСАЛАМОВИЧ**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАРИХИЙ НАСРИДА ЭПИК СЮЖЕТ ВА ОБРАЗ  
ЭВОЛЮЦИЯСИ (“ТЕМУРНОМА” МИСОЛИДА)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Сайиткулов Илхом Абдусаламович**

Ўзбек халқ тарихий насаида эпик сюжет ва образ эволюцияси (“Темурнома”  
мисолида) .....5

**Сайиткулов Илхом Абдусаламович**

Эволюция эпического сюжета и образа узбекской народной исторической  
прозе (на примере “Темурнома”).....25

**Sayitkulov Ilhom Abdusalamovich.** The epic plot and image evolution in the  
historical prose of the Uzbek people (example of “Temurnoma”).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙИТҚУЛОВ ИЛҲОМ АБДУСАЛАМОВИЧ**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАРИХИЙ НАСРИДА ЭПИК СЮЖЕТ ВА ОБРАЗ  
ЭВОЛЮЦИЯСИ (“ТЕМУРНОМА” МИСОЛИДА)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fi164 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турдимов Шомирза Ганиевич**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳмонов Насимхон Асқарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Сагтаров Улугбек Файзуллаевич**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Т.Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

**Л.Худайкулова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Ж.Эшонкулов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, ф.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацяси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида миллат тақдирида муҳим из қолдирган тарихий қаҳрамонлар бадий талқинларига бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Бу, аввало, ёш авлод тарбиясидаги миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғуларининг оммавий маданият хуружи қаршисида ўзига хос ҳимоя воситаси вазифасини ўташда юзага чиқмоқда. Халқ ўз қаҳрамонларини улуғлаб, улар ҳақида кўшиқлар, афсоналар, қисса ва достонларда ибрат намунасини яратган. Хусусан, халқ ўз Соҳибқиронларини ҳаётлик вақтидаёқ алп қаҳрамон тимсолида кўрган, афсона, ривоят ва нақллар тўқиган, вақт ўтиб эпик қаҳрамон сифатида улуғлаган, улар ҳақида достонлар куйлаган. Ушбу мураккаб жараёнлар халқ қаҳрамонлари бадий талқинининг фольклоршунослик ва адабиётшунослик тасвир объекти сифатидаги қирраларини ойдинлаштириш, фольклор намуналари, халқ китобларидаги тарихий ва бадий ўзига хосликларни очиш, оғзаки ижоддаги эпик тафаккурнинг халқ китоблари орқали ёзма адабиёт сари ўсиб бориш силсиласини ёритишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди.

Дунё тарихи, фольклори ва ёзма адабиётида тарихий шахслар, ҳарбий саркардалар ҳаёти ҳамда фаолиятига оид қарашлар турли халқларнинг дунёқараши, халқаро муносабатлар, мафкуравий асосларда ранг-баранг ва зиддиятли талқин этилгани каби дунё фольклоршунослиги, тарихшунослиги ва адабиётшунослигида ҳам муаммо турли методологик асосларда кузатилади. Жаҳон адабиётшунослигида Амир Темур образининг бадий талқини юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Ёндашувлар ва методологик асосларнинг турличалиги Соҳибқирон феномени бадий талқинида ҳам, илмий чизгиларда ҳам ранг-баранг хулосаларнинг берилишига сабаб бўлаётир. Бу эса ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида Амир Темур образи тасвирларидаги ўзига хосликларни аниқлаш, уларни яратишдаги эпик анъана ва тарихийлик тамойиллари каби масалаларни тадқиқ қилиш асосида жаҳон адабиётшунослиги учун муайян илмий хулосаларни берадиган вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Ўзбек фольклоршунослигида мамлакатимизда кечаётган маънавий тикланиш жараёни билан боғлиқ равишда буюк аждодларимиз, хусусан, соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги бадий ижод намуналарини тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай асарларда акс этган ғоялар ёш авлодни аждодларга хос бўлган эзгу анъаналар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашда улкан маънавий, маърифий аҳамият касб этади. “Ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётган”<sup>1</sup> бир пайтда соҳибқирон Амир

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-06-04-2019>.

Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида яратилган бадиий асарларнинг ўрни катта. Амир Темур шахсияти ва образининг эпик талқинини тадқиқ этиш зарурияти шу билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларихамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда “халқ китоблари” деб номланаётган кўплаб тошбосма асарлар XX аср бошларида чоп этилди<sup>2</sup>. Кейинчалик бу типдаги асарлар тадқиқига бағишланган қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди<sup>3</sup>. Уларда халқ китобларининг ўзига

<sup>2</sup> Гулу Булбул. – Бухоро, 1906, 1908; Гулу Булбул. – Тошкент, 1912; Қиссаи Шаҳзода Сайфул-мулк ҳикояти (“Лайли ва Мажнун”, “Шаҳзода Карам ва Аслхон” асарлари билан бирга). – Тошкент, 1916; Баҳром ва Гуландом (“Қиссаи Бурқ сармаст” ҳам бирга нашр этилган). – Тошкент, 1911; Қиссаи Шаҳзода Баҳром ва маликаи Гуландом маа баёзи ҳожи Ҳамдамхон. – Тошкент, 1911; Тоҳир ва Зухра ҳикояси бо тасвир. – Тошкент, 1911; Тоҳир, Зухра. – Тошкент, 1914-1915; Зайнул араб. – Тошкент, 1896-1897, 1900, 1910, 1911-1912; Зайнул араб. – Бухоро, 1904-1905, 1906-1907; Ғариб, Шоҳсанам. – Бухоро, 1906-1907; Юсуфбек, Аҳмадбек ва Бўзўғлон. – Бухоро, 1907-1908. – Тошкент, 1909; Насри Ҳамсаи беназир. – Тошкент, 1908; Қиссаи шаҳзода Фарҳоду Ширин. – Тошкент, 1908; Фарҳод ва Ширин. – Тошкент, 1909; Лайли ва Мажнун. – Тошкент, 1910.

<sup>3</sup> Мажидов Р. Узбекские народные книги и произведение Ризои “Хуршед и Маликаи Дилором”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1971; Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар // Адабий мерос, 1971. №2; Окбўтаев Х.С. Ўзбек халқ китобларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (“Тоҳир ва Зухра” мисолида). – Тошкент, 1973; Эркинов С. Наср ва халқчиллик тенденциялари // Ўзбек насри тарихидан.

хослиги, услуби, мавзу кўлами ва бадиий жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса-да, ҳали-ҳануз бу намуналарнинг жанр хусусиятлари борасида аниқ тўхтамга келинган эмас.

“Халқ китоби” атамаси немис адабиётшунослигида XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида адабиётдаги романтизм намуналарига нисбатан илмий истилоҳ сифатида қўлланилганлиги тадқиқотларда таъкидланади<sup>4</sup>. Бу термин ўзбек фольклоршунослигида илк бор В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар томонидан “народная книга” тарзида қўлланилган<sup>5</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу термин кенг истифода этилмоқда. Мавжуд тадқиқотларнинг баъзиларида халқ китоби “достон”, бошқаларида эса “қисса” деб юритилади<sup>6</sup>.

Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда “Темурнома” юзасидан олиб борилган тадқиқотлар санокли. Улар орасида П.Равшановнинг “Темурнома” асарининг умумий характердаги тавсиф сифатида берилган сўзбошиси, А.Қаюмовнинг асарнинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари қиёсий таҳлилига бағишланган рисоласи ҳамда О.Дадабоевнинг “Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини” номли диссертациясининг “Ғарб ва Шарқ адабиётида Амир Темур образи: эпик анъана ва тарихийлик тамойили” бобида Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” ва “Темурнома” асарлари қиёсий таҳлили натижасида билдирилган фикрлари эътиборга сазовор<sup>7</sup>. Лекин бу тадқиқотлар тавсифий характерда бўлиб, уларда “Темурнома” қиссасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, шунингдек, Амир Темур образининг фольклорий талқини, асар сюжетидаги эпик анъаналар тизимли тарзда таҳлилга тортилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедрасининг истиқболли режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Темурнома” қиссасининг жанр хусусиятлари, композицион қурилиши, сюжет тузилиши ва унинг асосини ташкил қилувчи

---

– Тошкент, 1982. – Б. 88-106; Мамедов Б. Муҳаббат ва садоқат достони. – Тошкент, 1989; Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. – Тошкент, 1986; Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

<sup>4</sup>Ўзбек адабиёти тарихи (Масъул муҳаррир В.Абдуллаев). Беш томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 152.

<sup>5</sup>Қаранг: Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – С. 132-136; 279-282.

<sup>6</sup>Ўзбек адабиёти (Воҳид Зоҳидов таҳрири остида). I том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964; Мажидов Р. “Халқ китоби” термини ҳақида. Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1978; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. – Тошкент: Ёзувчи, 1977; Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1988; Мирзаев Т. Ҳоди Зариф билан суҳбатлар. 2011; Ўзбек адабиёти тарихи. Масъул муҳаррир В.Абдуллаев. Беш томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1978.

<sup>7</sup>Темурнома: Амир Темур жангномаси (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи П.Равшанов). – Тошкент. Чўлпон, 1990; Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини: Филол. фан. бўйича фалсафа док. ... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

соҳибқиронлик тизими тадқиқи орқали асарнинг ўзбек фольклорида тутган ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқ китобларининг жанр хусусиятларини ёритиш ва таснифини амалга ошириш;

“Темурнома” қиссасининг халқ китоблари тизимида тутган ўрнини аниқлаш, асар композицияси ва стилистик жиҳатларини тадқиқ этиш;

асар таркибидаги асосий ва мустақил сюжетларни таҳлил қилиш орқали эпик сюжет элементларини белгилаш;

халқ достонлари ва эртакларида мавжуд анъанавий сюжетларнинг асар композициясига асос бўлганлигини далиллаш;

қиссада Соҳибқирон образининг фольклорий талқин қилиниши ва ундаги асосий образларнинг бадиий-функционал вазифасини тадқиқ қилиш;

соҳибқиронлик билан боғлиқ тасаввурлар тизими хоссаларини кўрсатиш, пир ва эран образларининг мазкур тизимдаги аҳамиятини ёритиш;

эпосдаги алпик ва соҳибқиронлик тизимининг қиёсий таҳлили асосида халқ идеалидаги эпик қахрамон образига хос хусусиятларни очиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси”<sup>8</sup> танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Темурнома” қиссасида анъанавий эпик сюжет ва образ эволюцияси, соҳибқиронлик тизими ва тарихий шахснинг эпик талқин олиши, унинг бадиий тафаккурдаги ўрни масаласи таҳлили ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, статистик ва этнофольклористик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек фольклоршунослигида илк бор “Темурнома” халқ китоблари турининг қисса жанрига мансублиги ҳамда унинг асосини ташкил қилувчи эпик сюжет халқ достонлари ва эртакларидаги анъанавий мотивлар асосида шаклланганлиги исботланган;

асар композицион қурилиши таҳлили асосида “Темурнома” қиссаси фольклор ва ёзма адабиёт контекстига уйғун қоришиқ-диффузион услубда яратилганлиги, ҳар бир бобнинг ўзаро узвий боғлиқликка эга бўлиш баробарида, уларнинг ягона ғоявий талқинга бўйсунуши далилланган;

“Темурнома”даги образлар тизими бадиийлик нуқтаи назаридан асосий, ёрдамчи ва эпизодик типларга, тарихийлик нуқтаи назаридан эса тарихий ва тўқима образларга ажралиши асосланган ҳамда ёрдамчи, эпизодик ва тўқима образлар Соҳибқирон характерини ёритувчи поэтик восита вазифасини бажариши аниқланган;

---

<sup>8</sup>Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси. Сўзбоши муаллифи ва луғатлар асосида нашрга тайёрловчи П.Равшанов. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – 352 б.

халқ достонларидаги “алплик тизими” ва “Темурнома” асаридаги соҳибқиронлик тасаввурлари хоссалари қиёсланиб, икки тушунчанинг бир ўзакдан пайдо бўлганлиги далилланган;

“Темурнома” таҳлили асносида соҳибқиронлик тасаввурларида Соҳибқирон мақомига эга бўлувчи шахснинг танланиши, маълум вақтда туғилишининг башорат қилиниши каби ўн тўртта хоссаси кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

халқ китоблари атамаси ва жанр хусусиятлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар маълум тизимда таҳлил қилинган;

“Темурнома”да Амир Темур образи халқ тасаввуридаги идеал қаҳрамон сифатида тасвирланганлиги асослаб берилган;

асар сюжети ва образлар тизими халқ достонлари билан қиёсий таҳлил қилиниб, эпик сюжет аънаналари кўрсатилган;

асардаги соҳибқиронлик тизими асосида Амир Темур образи эволюцияси ёритилган;

тарихий шахсларнинг эпик қаҳрамонга айланиш ҳодисаси тадқиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил хулосаларининг қиёсий-тарихий, семиотик, статистик ва этнофольклористик каби методлар асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари ва чиқарилган назарий хулосаларнинг фольклоршунослиқда халқ китоблари жанр хусусиятларининг ойдинлашишига, тарихий шахсларнинг эпик талқин қилиниш тамойилларини ишлаб чиқишга, ўзбек халқ тарихий насрида соҳибқиронлик тизимининг назарий асосларини яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари Амир Темур ҳақида яратиладиган турли бадиий ва ҳужжатли фильм сценарийларини ёзишга асос бўлади. Шунингдек, олий таълим тизимида “Ўзбек фольклори”, “Фольклор”, “Фольклоршунослиқ асослари” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Темурнома” асосида ўзбек халқ тарихий насридаги эпик сюжет ва қаҳрамон эволюцияси таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

ўзбек халқ тарихий насрида буюк аجدодларимиз бадиий образининг халқ оғзаки ижодидаги талқинлари ҳамда темурийлар даврида яратилган илмий, бадиий, тарихий ва халқ китобларида тасвирланган тарихий образ талқинлари юзасидан чиқарилган назарий қарашлари Тошкент давлат педагогика университетида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги давлат амалий грантини тайёрлашда

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 89-03-4395-сонли маълумотномаси). Натижада тарихий насрда образ яратиш тамойиллари, тарихий ва бадиий ҳақиқатнинг асарларда акс эттирилиши, қаҳрамон характерини ёритишда ёндош образларнинг аҳамияти хусусидаги қарашлар ойдинлаштирилган;

туркий ва форсий тиллардаги “Темурнома” туркумидаги халқ китобларининг яратилиш тарихи, улардаги тасвир ва бадиий воситаларнинг фаркли жиҳатлари, тарихий ҳақиқат ва эпик тасаввурнинг акс эттирилиши ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган “Темурнома” туркумида манбалар тавсифи ҳамда мазкур туркум халқ китоблари композицияси, сюжет тизими ва образ эволюцияси талқини хусусиятлари ёритилган материаллардан 2012-2016 йилларда бажарилган “Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивининг илмий тавсифи ва нашр қилиш” мавзусидаги Ф1-ФА-055746-сонли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 13 ноябрдаги №3/1255-3016-сонли маълумотномаси). Натижада музей қўлёзмалар фондида сақланаётган “Темурнома” туркумида манбалардаги тарихий ҳақиқат ва эпик тасаввурнинг акс эттирилиши ҳамда тавсифи ёритилган;

“O‘zbekiston” телеканалда тайёрланиб эфирга узатилган “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувида илмий иш материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 8 октябрдаги 01-12-2076-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатувлар илмий жиҳатдан бойитилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг бадиий образи кенг оммага ҳавола этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 163 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг “Халқ китоблари” ва уларнинг жанр хусусиятлари” деб номланган биринчи бобининг илк фасли “Халқ китоби” атамаси ва уларнинг тематик таснифи” деб номланган бўлиб, унда халқ китоблари атамасининг фольклоршунослик ва адабиётшуносликда илмий истилоҳ сифатида қўлланилиши, мазкур термин хусусидаги тадқиқотлар ва уларнинг таснифи ёритилган.

Маълумки, фольклоршунослик ва адабиётшунослик “халқ китоби” атамасига бирдан келган эмас. Тадқиқотларни синчиклаб ўрганиш давомида атама тадрижида “халқ китоблари” ва “китобий дoston” атамаларининг қоришиқ ҳолда қўлланилганлиги кузатилди. Хусусан:

1. “Халқ китоблари” термини – “халқ романлари” сифатида ҳам қўлланилиб, улар алоҳида жанр ва йўналишлардан бирини ташкил этади (Г.Вамбери, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Р.Мажидов)<sup>9</sup>.

2. “Халқ китоблари” ўзбек адабиёти тарихидан мавжуд бўлган қисса жанри ҳисобланади (А.Қаюмов, Н.Маллаев, Т.Мирзаев, Р.Орзибеков, Қ.Тоҳировлар)<sup>10</sup>.

3. “Халқ китоблари” – қисса ва дoston жанрларидан иборат (Б.Саримсоқов, Р.Маҳмудова)<sup>11</sup>;

4. “Халқ китоблари” – қисса, ривоят, дostonлардан иборат, деб қаралади (Ҳ.Оқбўтаев)<sup>12</sup>;

5. “Халқ китоблари” – дoston, латифа, ашула, мақол каби жанрий формалардан иборат тур (Р.Жуманиёзов)<sup>13</sup>. Албатта, халқ китобларининг аксарият намуналари китобий дostonлардан фарқли равишда, асосан, насрий шаклга эга. Уларнинг таркибида келувчи баъзи шеърий парчалар қўшимча поэтик вазифа бажаради. Шу сабабли ҳам уларни “қисса” деб юритган тадқиқотчиларнинг фикрига тўлиқ қўшилаемиз. Айни пайтда назмий шаклга эга намуналарнинг дoston деб юритилишини инобатга олиб, қисса ва дostonларнинг умумий номланишига нисбатан “халқ китоби” атамасини кенг маънода қўллаш тарафдоримиз.

Шунингдек, мазкур фаслда халқ китоблари таснифи юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлилга тортилди<sup>14</sup>. Мазкур тадқиқотларга асосланган ҳолда халқ китобларини қуйидагича тасниф қилдик:

<sup>9</sup>Ўзбек адабиёти.(Воҳид Зоҳидов таҳрири остида) I том. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1959; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964; Мажидов Р. “Халқ китоби” термини ҳақида. Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1978.

<sup>10</sup>Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. – Тошкент: Ёзувчи, 1977; Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1988; Мирзаев Т. Ҳоди Зариф билан суҳбатлар. 2011; Ўзбек адабиёти тарихи. (Масъул муҳаррир В.Абдуллаев) Беш томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1978; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 1974; Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981.

<sup>11</sup>Иброҳим Адҳам қиссаси. (Сўз боши муаллифи Б.Саримсоқов). – Тошкент: Ёзувчи, 1991; Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар // Адабий мерос, 1971. № 2.

<sup>12</sup>Оқбўтаев Х. Халқ китоблари ва адиблар // Адабий мерос. № 1(55). 1991.

<sup>13</sup>Жуманиёзов Р. Халқ китоби – Ҳақ китоби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б.10.

<sup>14</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. (3-том) – Тошкент, Фан, 1978; Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981; Жуманиёзов Р. Халқ китоби – Ҳақ китоби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Саримсоқов Б. Халқ дostonлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 3. – Б. 37-47; Жуманиёзов Р. Халқ китоби – Ҳақ китоби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б. 44; Юлдошева С. Бадий-биографик қиссалар поэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2012.

1. Ишқий-саргузашт қиссалар.
2. Тарихий, бадиий-биографик қиссалар.
3. Қаҳрамонлик ва жангнома қиссалар:
  - а) эпик қаҳрамонлар ҳақидаги жангномалар;
  - б) тарихий шахслар ҳақидаги жангномалар.
4. Диний-панднома қиссалар.

Юқоридаги тасниф асосида “Темурнома” қиссасини мавзу жиҳатидан *қаҳрамонлик ва жангнома* гуруҳининг *тарихий шахслар ҳақидаги жангномалар* турига мансуб, десак тўғри бўлади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Темурнома”нинг жанр хусусиятлари** деб номланган. Бунда жангнома дoston хусусиятлари ва уларнинг жангнома халқ китоблари билан қиёсий таҳлили орқали “Темурнома”нинг жанр хусусиятлари ёритиб берилган. Хусусан, халқ дostonлари таснифида уларнинг “жангнома” турига алоҳида ўрин ажратилганган<sup>15</sup> бўлиб, академик Тўра Мирзаев жангнома дostonларда “жангу жадаллар, тарихий ёки афсонавий урушлар ва бундай жанг эпизодларида кўшин ва якка шахсларнинг жасоратлари тасвирланишини”<sup>16</sup> таъкидлайди. “Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари” китобида жангнома асарларнинг вужудга келишида ҳукмрон табақа ислом динини ҳарбий куч билан ёйган шахсларни халқ орасида тарғиб қилиш мақсадида жангнома формасидан фойдаланганлиги, натижада, “Жангномаи Абу Муслим”, “Жангномаи Саййид Баттоли Розий”, “Жангномаи Амир Ҳамза” каби... ..шахсларнинг номи билан боғлиқ жангномалар юзага келганлиги асосланади<sup>17</sup>. “Юсуфбек ва Аҳмадбек” жангномасини тадқиқ қилган олим Р.Жуманиёзов бу типидagi жангнома асарлар кам тадқиқ қилинганлигини таъкидлаб, “Ўзбек халқ китобларининг жангнома дoston кўринишидаги турлари ва уларни илмий-тарихий-адабий йўсинда назардан ўтказиш шу пайтгача тадқиқот мавзуси бўлмаганлиги”<sup>18</sup>ни айтиб ўтади. Ишда мавжуд тадқиқотлар асосида халқ дostonлари ва халқ китобларига мансуб жангномаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди.

Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда “Темурнома” асари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар санокли<sup>19</sup> бўлиб, уларда асарнинг жанр хусусиятларига алоҳида тўхталинмаган. “Темурнома” қиссасини табдил этиб, нашр эттиришда жонбозлик кўрсатган олим Поён Равшановнинг қисса табиати хусусидаги фикрлари бу борадаги илк тадқиқот ҳисобланади. П.Равшанов қисса ҳақида: “Темурнома” мазмунига кўра жангнома асар.

<sup>15</sup>Жирмунский В. М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – С. 59-60; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадиий маҳорат масалалари. – Тошкент, 1969. – Б. 32; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. – Тошкент: Ёзувчи, 1979. – Б. 78; Саримсоқов Б. Халқ дostonлари таснифи ва оралик шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 3. – Б. 38.

<sup>16</sup> Ўзбек халқ ижодиёти бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 17.

<sup>17</sup> Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Б. 17.

<sup>18</sup> Жуманиёзов Р. Донг қозонган дoston. – Тошкент: А.Қодирий халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 3.

<sup>19</sup>Темурнома. Амир Темур жангномаси. – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1990. – Б. 5-30; Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.32; Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Филол. фан. бўйича фалсафа док. ... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 11-14.

Бироқ Салоҳиддин Хожа таъкидлаганидек, “бу ўзга жанг китобларидек эмас, чунки мунда ақлга далолат қиладиган ҳикмат сўзлари кўбдур”<sup>20</sup>, – дея қарашларини далиллайди. Азиз Қаюмов туркий ва форсийда ёзилган “Темурнома”ларни тадқиқ этар экан, “...Амир Темур тўғрисидаги қиссалар халқ китоблари тарзида ёзилган. Улар кенг ўқувчилар ёки тингловчилар оммасига мўлжалланган. Бу қиссаларда Амир Темур образи идеаллаштириб тасвирланади”<sup>21</sup>, – дея хулоса чиқаради.

Диссертацияда халқ китобларининг жангнома типига асарлар хусусида келтириб ўтилган фикрларга таяниб, “Темурнома”нинг жангнома сифатидаги хусусиятлари кўрсатилди.

Биринчи бобнинг учинчи фасли **“Темурнома”нинг композицион қурилиши**” деб номланган бўлиб, унда асар тузилиши, таркиби ва хусусиятлари таҳлил қилинган. Хусусан, “Темурнома” достони “Амир Темур Кўрагон жангномаси” сарлавҳаси остида ўн етти қатор насрий ифодадан ташкил топган анъанавий ҳамд ва наътдан бошланган<sup>22</sup>. Бир ярим саҳифалик бошламадан сўнг, “Эмди келдук достони Амир Соҳибқиронға, яъни Амир Темур Кўрагон Искандари Сонийға” номли жангнома учун умумий кириш вазифасини ўтовчи ихчам дебочага ўрин ажратилади. Дебочада Амир Темур аждодларидан то қисса китобат қилингунга қадар (1908 йилгача – И.С) ўтган давр воқеалари қисқача баён этилиб, муаллифнинг кўнглига, ўқувчига, оёғчи ва дўмбирачига хитоби насрий шаклда, мурожаатлари эса шеърий шаклда ифодаланган. Бу ҳолатлар жангномани бироз бўлса-да, ёзма адабий асар сифатида баҳолаш кераклигини уқтиради, аммо дostonнинг баён усули, услуби жангномалар – халқ китоблари руҳига уйғун равишда келади. Дебочадан кейин жангнома композицияси махсус сарлавҳалар билан номланиб, дoston деб аталган 46 боб (муаллиф уларни дoston деб атаган – И.С.) ва айрим боблар таркибидаги фасллардан ташкил топган. Жумладан, жангномада мавжуд 46 боб(дoston)дан 10 таси 13 та киритма фаслдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир дoston(боб)да қаҳрамон ҳаётининг маълум бир даври, маълум бир тарихий ҳодиса алоҳида баён қилинади, уларнинг ҳар бири мустақил сюжет элементларидан ташкил топган.

“Темурнома” жангномасини ташкил этувчи 46 боб(дoston)нинг 32 боб(дoston)ида ҳамда айрим боблардаги 12 фаслдан 9 тасида бевосита Амир Темур бош қаҳрамон сифатида фаолият олиб борса, қолган боб ва фаслларда билвосита унинг иштироки сезилади. “Амир Темур Кўрагон жангномаси” деб номланган мазкур асарда Амир Темур образи дoston структурасининг ўқилдизини ташкил этиб, Соҳибқирон бош қаҳрамон сифатида (дoston ҳажмининг 68%да) тасвирланган.

“Темурнома”да Амир Темурнинг фарзандлари, набиралари ва унинг ишонган саркарда ҳамда ҳамкорларининг баъзи боб ва фаслларда етакчи планга чиқишини кўрамыз. Аммо бу ўринларда ҳам Соҳибқирон ҳаёт йўли асарнинг умумий линиясидан ташқарида тасвирланмайди.

<sup>20</sup> “Темурнома”. – Б. 30.

<sup>21</sup> Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 32.

<sup>22</sup> “Темурнома”. – Б. 32.

Жангномадаги ҳар бир боб(достон) яхлит композицияни ташкил қилиб, улар тузилиши жиҳатидан мавзу, кириш, муаммо, ечим ва хулосалардан иборат. Шунингдек, улар мустақил сюжетга эга. Айти пайтда Соҳибқирон образи боб(достон)ларнинг яхлит асар сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Жангномадаги маълум бир воқеа-ҳодисаларнинг турли макон ва замонда тасвирланиши ва уларда бир неча қаҳрамоннинг босқичма-босқич иштироки айрим достон(боб)ларнинг ички фаслларга бўлинишига сабаб бўлган. Айрим фасл номланишида яққол кўзга ташланувчи: “*Энди сўзни... эшитмак керак*” деб келувчи баён усули анъанавий халқ достонлари баёнларига уйғунлиги билан ҳам аҳамиятли. Масалан, “Юсуф билан Аҳмад” достонидаги “...энди сўзни Гуласалдан эшитмак даркор”<sup>23</sup>, “...энди гапни Урганч элидан эшитмак керак”<sup>24</sup> тарзидаги боғловчи формулалар, шунингдек, “Қиронхон” достонидаги “... эндиги гапларни подшоҳлик баргоҳидан эшитинг”<sup>25</sup>, “...эндиги гапни беимон кампирдан эшитинг”<sup>26</sup> каби барқарор ифода формалари “Темурнома”даги баён формуласи билан бирлашиб турибди. Бу эса “Темурнома”нинг стилистик фольклор манбаларини исбот этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Биринчи бобнинг “*Темурнома*”нинг *баён шакллари*” деб номланган тўртинчи фаслида асар таркибидаги насрий ва назмий баён шакллари таҳлил қилинган. Хусусан, “Темурнома”да воқеалар тасвири, баён этилиш тартиби наср ва назмда ботартиб ўрин олган. Унда қаҳрамонлар ҳаёти, ички кечинмалари, жанг ва табиат тасвирлари, асосан, насрий усулда берилиб, муаллифнинг воқеликка муносабати, достонда акс этган воқеалар асосида туғилган фалсафий хулосалари, ҳаёт ҳақиқатлари ҳақидаги ҳукми, қаҳрамонларнинг ҳолатдан келиб чиқиб яратганга, улуғ пир ва эранларга ҳамда ошиқ-маъшуқаларнинг мурожаатлари шеърӣ шаклда ифодаланади.

“Темурнома”даги аксар насрий қисмлар халқ китобларининг анъанавий структурасига уйғун равишда қолип жумлалар билан бошланиши (“*Ровийлар андоғ ривоят қилурларким*”<sup>27</sup>, “*Ровий айтурким*”<sup>28</sup>, “*Алқисса*”<sup>29</sup>, “*Аммо ровий дерким*”<sup>30</sup>, “*Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким*”<sup>31</sup>) кузатилди. Бу эса халқ оғзаки ижодидаги достон жанрининг ўзига хосликларидан бири саналади. Хусусан, Ислом шоир куйлаган “Зулфизар билан Авазхон” достонида “*Энди бир сўзни Авазхондан сўранг*”<sup>32</sup>,

<sup>23</sup> Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. Иккинчи жилд: Юсуф билан Аҳмад. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2015. – Б. 96.

<sup>24</sup> “Юсуф билан Аҳмад”. – Б. 116.

<sup>25</sup> Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. Иккинчи жилд: Қиронхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2015. – Б. 142.

<sup>26</sup> “Қиронхон”. – Б. 165.

<sup>27</sup> “Темурнома”. – Б. 86.

<sup>28</sup> “Темурнома”. – Б. 157.

<sup>29</sup> “Темурнома”. – Б. 214.

<sup>30</sup> “Темурнома”. – Б. 269.

<sup>31</sup> “Темурнома”. – Б. 206.

<sup>32</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Ҳасанхон. Чамбил қамали. Зулфизар билан Авазхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1976. – Б. 237.

“Энди бир сўзни Нуралидан эшитинг”<sup>33</sup> каби жумлалар дostonдаги воқеалар ҳаракати алмашинувида кўприк вазифасини ўтайди.

“Алқисса” киритма сўзи “Темурнома”да алоҳида ўринга эга бўлиб, у нафақат боб(дoston)лар бошланмасида, балки фасл ичида, маълум воқеаларнинг ўрин алмашинуви ёки воқелик баёнида ровийнинг таъкидини кучайтириш, маълум сўз ёки фикрни урғулаш мақсадида ҳам қўлланилгани асар матни таҳлили орқали кўрсатилган.

“Темурнома”да халқ дostonларидан фарқли равишда жангноманинг умумий ҳажмидаги насрий қисм назмий қисмдан ўн баробар кўп бўлса-да, дoston насри сажъ санъати воситасида ритмик изчилликка эришган ва бу шакл ўзига хос оҳангдошлик касб этиб, ўқувчи томонидан завқ билан ўқилишига асос бўлган. Асардаги воқелик ва қаҳрамон тасвирларидаги сажъларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

1. Ҳаракат тасвиридаги сажъ.
2. Маъшуқа тасвирида сажъ.
3. Эр киши тасвиридаги сажъ.

“Амир Темур жангномаси”нинг яратилишида халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ дostonлари ва ёзма адабиёт анъаналарининг муҳим ўрин тутишини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат жангномадан ўрин олган шеърий шаклларнинг жанр таркиби таҳлилида ҳам намоён бўлади. Асарнинг назмий қисми 1328 мисрани ташкил этувчи 146 та шеър шаклидан иборат. Улар 27 та байт, 27 та тўртлик, 6 та қитъа, 48 та маснавий, 21 та рубоий, 16 та ғазал ва 1 та таърих жанрларидан иборат. Бу жанрлардан: байт, тўртлик бевосита фольклорга, қитъа, рубоий, ғазал, таърих эса ёзма адабиётга тегишли жанрлар ҳисобланса, маснавий ҳар икки ижод оралиғида пайдо бўлган жанр намунаси саналади. Халқ дostonлари орасида “Кунтуғмиш” дostonи каби ёзма адабиёт анъаналарини ўзига пайванд этган асарларнинг мавжудлиги, ёзма адабиёт ва фольклорнинг доимий равишда бири иккинчисига илҳом манбаи бўлиб келганини, халқ дostonлари, хусусан, “Темурнома” каби жангнома китобларнинг пайдо бўлиб, оммалашувида ўзига хос ижод лабораторияси вазифасини ўтаганлигидан далолат беради.

“Темурнома”да воқеалар ва қаҳрамонлар тасвири, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида вужудга келадиган бадиий воқеликни ёритишда шеърий ифодаларнинг аҳамияти катта.

“Темурнома”да Соҳибқирон ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари, жанг майдонидаги мардликлари, ишқ саҳналари, табиат тасвирлари шунчаки баён қилинмай, турли тасвирий воситалар билан тасвирланганлиги асар таҳлили орқали ёритиб берилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Темурнома” сюжети ва образлар тизими” деб номланган. Бобнинг “Қисса сюжетининг тузилиши, эпик анъаналар талқини”га бағишланган дастлабки фаслида асардаги Амир

---

<sup>33</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Ҳасанхон. Чамбил қамали. Зулфизар билан Авазхон. – Тошкент: Фафур Фулом, 1976. – Б. 370.

Темур фаолияти билан боғлиқ сюжет ва бош сюжет таркибидаги мустақил сюжет кўринишлари таҳлил қилинган.

“Темурнома” да Амир Темур образи бош қаҳрамон бўлгани боис, у билан боғлиқ сюжетлар етакчилик қилади. Хусусан, Амир Темурнинг болалиги, тарбия топиши, уни йўқ қилишга бўлган уринишлар ва ёшликда кўрсатган ғайритабиий ишлари қиссанинг *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”*<sup>34</sup> боб(достон)ида тасвирланади. Амир Темурнинг гўдаклигидан то ўн икки ёшигача бошидан кечирган воқеалари тасвирланган мазкур боб(достон)даги сюжетлар соҳибқиронлик хоссасини намоён қилган. Хусусан, душманларнинг бўлажак Соҳибқирон туғилганлигидан хабар топиб, уни жисман йўқ қилишга бўлган ҳаракатлари, қаҳрамоннинг ёшликдаги телбаликлари ва доимий равишда ҳомийлар ҳимоясида бўлиши тасвирлари мазкур сюжет асосини ташкил қилади.

Амир Темурнинг ғайб эранлари томонидан Соҳибқирон сифатида танланиши воқеалари халқ достонлари сюжетиға ўхшаш бўлиб, бу асарнинг *“Бу достонда рижол ул зойибни Амир Темурға кўб-кўб илтифот қилгонларин баёни”* боб(достон)ининг *“Эмди келдук бу мақолага: аҳволи Соҳибқиронға”*<sup>35</sup> фаслида тасвирланган. Мазкур боб сюжети ҳам Амир Темур образи асосига қурилган бўлиб, халқ эртаклари ва достонларида тасвирланадиган ғайб эранлари макони ва синов мотивлари асосида яратилган.

“Темурнома”да Амир Темурнинг саркардалик маҳорати ва тадбиркорлиги тасвирлари бош сюжет линиясида бериб ўтилади. Бу асарнинг *“Бу достонда Қариши ва Термиз фатҳ ўлуб, Тўқтемурхон Қаришиға келуб қўл ва қўшунлари амирдин шикаст топгонини баёни”*<sup>36</sup> боб(достон)ида тасвирланади. Мазкур боб сюжети ҳам *“Алибобо ва қирқ қароқчи”* эртагидаги қароқчиларнинг қаҳрамон уйига кириши, *“Маликаи айёр”* достонида Авазнинг малика ҳузурига ясама шер ичида бориши сюжетларига ўхшаш. Бу эса “Темурнома” қиссасининг халқ достонлари ва эртак сюжетлари асосида яратилганини кўрсатади.

“Темурнома”да Амир Темур фаолияти асос қилиб олинган сюжетлар билан бирга Соҳибқирон образи бевосита иштирок этмаган мустақил сюжет линиялари ҳам мавжуд. Масалан, асарнинг *“Аввалги достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни”*<sup>37</sup> ва *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”* боб(достон)ининг *“Эмди сўзни Турагай баҳодирдан эшитмак керак”*<sup>38</sup> боб(достон)ларида “кундошлар” ҳақидаги анъанавий сюжетнинг ўзига хос талқинини кўришимиз мумкин. Мазкур боб сюжетидаги қаҳрамоннинг она батнида пайдо бўлиши, туғилиб, вояга етгунгача бўлган воқеаларни халқ эртаклари ва бир қатор достонлар асосида

<sup>34</sup> “Темурнома”. – Б. 49-56.

<sup>35</sup> “Темурнома”. – Б. 56-60.

<sup>36</sup> “Темурнома”. – Б. 137-140.

<sup>37</sup> “Темурнома”. – Б. 43-49.

<sup>38</sup> “Темурнома”. – Б. 54-56.

мавжуд бўлган “кундошлар” ҳақидаги анъанавий сюжетнинг ўзига хос талқини сифатида баҳолаш ўринли. Бунда бўлажак қаҳрамон ота-онасининг никоҳ қуриши ва кундошнинг кароматда айтилган ўғил туғилишини билиб, унга қарши курашиши, уларни ўлдирмоққа бел боғлаши-ю, она-боланинг ҳомий руҳлар кўмагида омон қолиб, бўлажак Соҳибқироннинг туғилиши ва улғайиши, ниҳоят отасини топиши, душманлик қилган катта кундошнинг дардга чалиниши ва унинг ўзи ёмонлик қилган кундоши, яъни боланинг онаси томонидан даволаниб, ҳаётга қайтиши анъанавий “кундошлар” сюжетига уйғун ҳолатда тасвирланган. “Қиронхон”<sup>39</sup>, “Ҳасан ва Зухра”<sup>40</sup> ва бошқа кўплаб дoston ва эртақлар асосида айнан ушбу сюжет турибди. Шу билан бирга, айна сюжет “Темурнома”нинг аввалги боблари асосини ташкил этади.

“Темурнома”да мустақил сюжетлардан бири Амир Темурнинг невараси Султон Муҳаммад тўра билан боғлиқ воқеалар ўзбек халқ эртақлари ва дostonларидаги сафар мотиви асосида шакллантирилган. Бу “Темурнома”нинг бош сюжетидан мустақил ҳолда шаклланган бўлиб, воқеаларнинг бир-икки ўрнидагина Амир Темур номи келтирилади. Бу сюжет асосини халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамоннинг сандиқда сувга оқизилиши, сеҳрли кудук, Ҳумоюн қуши каби анъанавий мотив ва образлар ташкил қилади. Хусусан, Султон Муҳаммад тўра воқеалар ривожидда она батнидалигидаёқ сандиқда оқади, Амир Темур каби унинг бошига Ҳумоюн соя солади, йўлда учраган турли синовлардан эранлар кўмагида ўтади ва ернинг кун чиқиш томони – Шарқни кўриб, олам ва одам, инсоният ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақидаги маълумотларни идрок этади ва маълум даражада комилликка етишади. Бу сюжет аксар халқ эртақлари ва дostonларидаги каби қаҳрамоннинг ўзлигини топиш учун қилган сафарига уйғун тарзда шакллантирилган. Хусусан, “Тўрўғли” туркумидаги Гўрўғли, Аваз, Хасан, Равшанхон каби образлар қилган сафарлар мағзида ҳам, асосан, ушбу мақсад турибди. “Султон Муҳаммад воқеаси”нинг баён услуби, композицион қурилиши, ғайритабиий воқеалар, образлар тафсилоти, ғаройиб саргузашт тасвири айнан эртақона кўриниши ва шакли билан ҳам ажралиб туради.

Асарда юқорида таҳлилга тортилган сюжетларга ўхшаш яна бир қанча воқеалар тизими мавжуд. Хусусан, Саййид ота, Баёнқулихон, Бароқхон, Носир Хисравнинг ўғли Муҳаммад, Мироншоҳ Мирзо, Тўхтамиш, Шохруҳ тўра, Зойиб шайх, Ҳаким Нисорий, Салосил каззоб, Бобо порадуз, Дўнбой баҳодир, Амир Қазағон, тарми эли, Ғазвин маликаси, Аждарҳо подшоси образлари билан боғлиқ айрим сюжетларда Амир Темур образи бевосита иштирок этмаса-да, улардаги барча воқеалар Соҳибқирон характерини ёритишга бўйсундирилган.

Ушбу бобнинг *“Темурнома”даги асосий образлар тавсифи ва эволюцияси*” деб номланган иккинчи фаслида асардаги бадиий образлар

<sup>39</sup> Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. Учинчи жилд. Қиронхон. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМУ, 2015.

<sup>40</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1960. – Б. 342-350.

тахлилга тортилган. “Темурнома”да Амир Темур билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар халқ бадий тафаккури ҳосиласи ўлароқ Соҳибқирон образи тимсолида фольклорий талқин қилинган. Хусусан, бу талқинлар Амир Темурнинг туғилиши, маълум вақт отасидан айро яшаши, ёшлигида “сир” кўрсатиб, телбаликлар қилиши, балоғатга етиб қаҳрамонликлар кўрсатиши, ернинг тўрт томони – Шимол, Жануб, Ғарб, Шарқ, осмон ва ерости билан алоқа боғлаши, энг муҳими, унинг доимий равишда пир ва эранлар ҳомийлигида бўлиши тасвирларида акс этади. Асарда Соҳибқирон образи билан параллел равишда турли тарихий ва тўқима образларга мурожаат этилган. Унда тасвирланган бир юз қирқ уч нафар образ Амир Темур тимсоли атрофида бирлашиб, Соҳибқирон характери ёритишда муҳим ўрин тутди. Мазкур образларни тарихийлик нуқтаи назардан тарихий ва тўқима образлар тарзида таснифлаб, тарихий образларни ҳам, ўз навбатида, икки гуруҳга – Амир Темур замондошлари образи ва Амир Темурга замондош бўлмаган тарихий образларга ажратиб таҳлил қилинган. Амир Темур замондошлари образи эса тарихда Соҳибқирон билан мулоқотда бўлган ёки бўлмаганлигига кўра Амир Темур билан бевосита ёхуд билвосита мулоқотда бўлган тарихий шахслар образи (асарда Амир Темурга яқин ҳамроҳ сифатида тасвирланган образлар: ота-онаси, хотинлари, фарзандлари, саркарда ва пирлари) ва Амир Темур билан замондош бўлса-да, ўзаро алоқада бўлмаган, лекин асарда ҳамкор сифатида тасвирланган образлар тарзида таснифланади. Асарда тасвирланган бу образларни тарихий ва бадий ҳақиқат нуқтаи назаридан тарихий шахсларнинг прототипи деб бўлмайди.

“Темурнома”да Тарағай Баҳодир исми “Турағай Баҳодир” тарзида номланган бўлиб, Соҳибқирон отаси сифатидаги характери ёритилади. Шунингдек, асарда тарихий ҳақиқатдан чекинган ҳолда Тарағай Баҳодирнинг фожиали ўлим топиши тасвирга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Негаки, уламою фузалолар суҳбатини ҳарб ишларидан устун қўйган Тарағай Баҳодир Саййид ота билан тарихда учрашмаган бўлса-да, унинг кўзига олмос қўйдириши асарнинг тўлақонли халқ оғзаки ижоди ҳосиласи эканлигини кўрсатади.

“Темурнома”да Сарой Мулк хоним образи халқ тасаввуридаги малика сифатида бадий талқин қилинади. Бу тасвирлар асарнинг “*Бу дostonда Амир Соҳибқиронни Бухоро бормоқи Баёнқулихонни Сароймулк отлиқ қизини олмоқини баёни*”<sup>41</sup> боб(дoston)ининг “*Эмди сўзни Баёнқулихон подшодин эшитмак керак*” фаслида баён этилган. Унда Сарой Мулк хонимнинг тарихдаги каби Амир Ҳусайннинг беваси эмас, Баёнқулихоннинг кенжа қизи – малика сифатида тасвирланиши халқнинг Соҳибқиронга бўлган муносабатини англатади. Бунда халқ ўз қаҳрамонига бевани эмас, маликани муносиб кўради. Шунинг учун Амир Темурнинг “Кўрагон” унвони ҳам асарда тилга олинмайди. Демак, асардаги тарихий образлар халқнинг қаҳрамонга бўлган муносабати нуқтаи назаридан идеаллаштирилади ва қаҳрамон характер

---

<sup>41</sup> “Темурнома”. – Б. 76-79.

хусусиятининг маълум жиҳатларини ёритишга йўналтирилади. Бу эса асарда Амир Темур билан замондош бўлган образлар талқинида тарихий ҳақиқатга мос келмаслигини англатиб, “Темурнома”ни халқ тасаввуридаги Соҳибқирон тимсоли талқинига бағишланган асар сифатида баҳолашга, ёндош тарихий образларнинг ҳам эпик талқин олганлигига асос бўлади.

“Темурнома”да Амир Темур билан замондош бўлса-да, лекин у билан ҳаётда учрашмаган айрим тарихий шахслар образи ҳам мавжуд. Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган, халқ эътиқоди ва миллат эртаси учун курашган бундай тарихий шахслар образининг тасвирланишини этноснинг ўз идеалидаги Соҳибқиронга ўзига яқин бўлган шахсларни ҳамроҳ қилганлиги билан асослаш мумкин.

